Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 3 сўм.

1992 йил 18 сентябрь, жума № 184 (21.282).



ХИРМОНИНГИЗ БАРАКАЛИ БЎЛСИН, АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!

Наманган районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пахтакорлари 572 гектар майдонда деҳқончилик қилишиб, гектаридан 38 центнердан ҳосил олишни режалаштирганлар.

Айни кунларда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга киришилди. Шу хўжаликнинг Зокиржон Бекмирзаев бошлиқ олтинчи бригадаси теримчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Ўғилой Шарипова ва унинг ғайратли дугоналари кунига 150—180 килограммдан пахта териб, хирмонга тўкишмоқда.

СУРАТДА: Ўғилой Шарипова.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Тошкент вилоятида пахта йиғим-терими қизғин равишда бошланди

● РЕПОРТАЖ ●

«Далварзин» пахта тозалаш заводи атрофи эрталабдан гавжум бўлди. Карнай-сурнайлар бу ердан вилоятда биринчи марта пахта карвонлари ўтажагидан дарак берди. Ўзбекнинг қалбидек оқ пахта ортилган тележкалар саф тортиб турарди. Сафнинг бошида Бекобод районининг юки оғир жамоаларидан бири «Далварзин» давлат хўжалиги ҳосили ортилган тележкалар...

— Яхши яшашимиз йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш, фақат сифатли хом ашё топшириш ва режадан кўпроқ пахта сотишимизга ҳам боғлиқ, — дейди ушбу хўжалик директори М. Султонқулов. — Чунки Президентимиз Фармонига кўра, бу йил режадаги пахтанинг 15 фоизи, режадан ортиқча барча ҳосил ўз ихтиёримизда қолади. Демак, гектар ҳосилдорлиги қанча юқори бўлса, хўжалик иқтисодиёти шунча бақувват бўлади. Режадаги салкам 5 минг тонна пахтанинг бир минг тоннаси уруғлик учундир. Бир неча кундирки, қўл терими бошланди. Ҳар бир килограмм учун 2-3 сўмдан ҳақ тўлаяпмиз. Тарози ва тележкалар теримчилар учун энг қулай жойга келтириб қўйилган.

Бугунги пахта карвонига энг кўп ҳисса қўшган 3 бўлимнинг илғор бригадаси бошлиғи Н. Ҳусанов билан танишдик.

— Режамизни 10 октябргача бажармоқчимиз, — дейди у, — ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 28 центнерга етказилади. Мўътабар Пирматова, Малика Холматова, Шаҳри Бозорбоева сингари чеварларимиз 110-120 килограммдан пахта териб, пешқадамлик қилишмоқда. Бу мавсумда ҳосилни охиригача териб олмоқчимиз. Чунки пахта заводимизда энг охирги нав хом ашёни тозалайдиган линия ишлай бошлади. Олмония билан ҳамкорликда қурилган бу қўшма корхона пахтакорларнинг айни муддаоси эди.

Районнинг 50 минг тоннаси хирмонига муносиб улуғ қўшишга аҳд қилган Улуғбек номли, А. Мавлонов номли давлат, «Деҳқонобод», «Ўзбекистон», Навоий номли жамоа хўжаликлари жўнатган карвон заводга кира бошлайди. Ҳамманинг юзида табассум, кўтаринки кайфият. Бугун топширилган 200 тонна «оқ олтин» районда мавсум муваффақиятли бошланганидан дарак берди. Абдужамил Ғойибназаров, Аҳмаджон Қорабоев, Иброҳим Қирғизбоев сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 150 тоннадан пахта териб беришга сўз бердилар.

Бўка районида ҳам дастлабки «оқ олтин» карвонларига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Оққўрғон, Пискент ва бошқа районларда йиғим-теримга оқ фотиҳа берилди. Шундай қилиб, вилоят бўйича «оқ карвонлар»нинг оммавий юриши бошланди.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

СУРАТДА: кутиб олиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзА).

17 сентябрь куни Тошкентга мусулмон шиалар имоми Оғахон жаноблари келди. У ҳеч қандай динга боғлиқ бўлмаган ва асосан Осиё ва Африка мамлакатларида хайр-саховат фаолияти орқали одамларнинг фаровонлигини оширишга кўмаклашиши лозим бўлган ташкилот — Оғахон жамғармасининг асосчиси ва раҳбаридир.

Оғахон жаноблари унинг жамғармаси ўтказадиган меъморлар анжуманида қатнашиш ҳамда жамғарма ҳомийлигида ўтказилган меъморлар танлови ғолибларига мукофотларни топшириш учун Ўзбекистонга келди.

Аэропортда Оғахонни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов кутиб олди. У ҳурматли меҳмонни самимий табриклаб, унга ва у раҳбарлик қилаётган ташкилотга одамларнинг бахт-саодати йўлидаги олижаноб фаолиятида катта ютуқлар тилади.

Шу куни жаноб Оғахон Самарқандга жўнаб кетди, у ерда меъморлар анжумани ўтказилади ва танлов ғолибларига мукофотлар топширилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Президенти Венага жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 18 сентябрь куни эрта тонгда Тошкентдан Австрия Республикасининг пойтахти — Вена шаҳрига жўнаб кетди. Амалий ташриф уч кун давом этади.

Европанинг марказида жойлашган ва Европа давлатлари ҳамжамиятида муҳим ўрин тутган бу мамлакатда мустақил Ўзбекистоннинг раҳбарини катта ишлар кутмоқда. Ташриф режасига жуда кўп тадбирлар киритилган.

Ислом Каримовнинг Австрия федерал канцлери Ф. Враницкий ҳамда Австрия Республикасининг федерал Президенти Т. Клестиль билан учрашув ва суҳбатларида Марказий Европадаги, Ўрта Шарқдаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги, Австрия ва Ўзбекистондаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олиш кўзда тутилган. И. Каримов ва Ф. Враницкий биргаликда журналистлар билан учрашадилар.

Ташриф чоғида Австрия Республикаси парламентига бориш, миллат мажлисининг раиси Х. Фишер ва парламентнинг бошқа раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш назарда тутилган. Австрия федерал идораси биносида Австрия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан Австрия Республикасининг бир қанча вазирликлари раҳбарлари билан кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтади. Шу ернинг ўзида икки томонлама Ўзбекистон — Австрия ҳужжатлари имзоланади.

Австрияда бўлиш режалари тиғизлигига қарамай, Президент «Филипс» компанияси корхонасига бориб электрон аппаратлар ишлаб чиқариш линиясини кўздан кечиради, компания раҳбарлари билан учрашади. Дорнштайн ва Мельк шаҳарларига бориш, шу шаҳарларнинг ҳокимлари билан суҳбатлашиш ҳам кўзда тутилган.

(ЎзА).

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

● Косон районидаги қўриқ 38-совхоз далаларида пахта териш машиналари иш бошлади. Эрта дефолиация қилинган, пахтаси қийғос очилган пайкалларда бир варакайига 20 га яқин «зангори кема» ишлатилмоқда.

— Бу йил хўжалигимиз 1100 гектар ердаги пахтанинг ҳаммасини машиналар ёрдамида йиғиб олади, — дейди давлат хўжалиги директори Жўра Ғаффоров. — Шунга яраша ҳамма қулайликларни яратганмиз.

Айни пайтда Ҳ. Жўраев, Р. Хуррамов, Ш. Иззатов, И. Азимов сингари механик-ҳайдовчилар пахтазорда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар мавсумда 100-120 тоннадан пахта териш учун техникадан омилкорлик билан фойдаланмоқдалар.

Кўчма устахона ишлаб турибди. Ёқилғи, эҳтиёт қисмлар етарли. Бундай имкониятдан фойдаланаётган механизаторлар ўзлари бошқараётган агрегат ёрдамида ҳар куни эл хирмонига 4—5 тоннадан пахта териб тўкмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббусига кўра партия ходимлари билан адибларнинг меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида республика мустақиллиги кунига бағишланган учрашувлари давом этмоқда. Шундай учрашувлардан бири Тошкент вилоятининг Янгийўл районидаги Халқобод деҳқончилик саноати бирлашмасида бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби У. Турғунов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, шоир Муҳаммад Юсуф ва бошқалар янгийўллик деҳқонлар ҳузурига келишди. Биринчи бўлиб М. Қирғизбоев сўз олди.

— Қалбингизда нималар кечаётганлигини билиш, сизлар билан ўзаро фикр алмашиш ниятида ҳузурингизга келдик, — деди у. Сўнгра Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг сиёсий-маърифий аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Халқ билан учрашиш, дийдор кўришиш қалам аҳли учун кўп нарса беради, — дейди А. Орипов. — Биз бу ерга кузги йиғим-терим ишлари қизғин авж олган палладa келдик. Шахсан мен Маккани зиёрат қилиб қайтганимдан сўнг кўпчилик билан биринчи марта сизлар тимсолингизда учрашиб турибман. Шундай бир гап бор: қуёш тутилган пайтда қулдор ўз қулини озод этаркан. Демоқчиманки, мустақиллик қадрини бошига тутқинлик азоби тушган киши яхши билади. Ўз давлат мустақиллигимизга эришдик. Энди бу билан ғурурланибгина қолмай, ҳар биримиз истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашишимиз керак бўлади. Чўнки, миллий мустақиллик айрим шахслар тақдири эмас, балки халқимиз тақдиридир. Энди бизнинг тақдиримиз ўз қўлимизда. Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрни ва мавқеи учун курашайлик. Бугун оламнинг назари бизга қаратилган. Хорижда халқимизнинг ўтмишига катта ҳурмат, келажагига эса ишонч билан қарашмоқда.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, қўшни Тожикистон осойишталиги бузилган. Қўшнинг тинч — сен тинч, дейишади. Бир қалам соҳиби сифатида айтишим керакки, Президентимиз И. Каримов минтақамизда тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиш борасида беҳад улкан ишларни олиб бораяпти. У кишининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Одамлар билан мулоқотда бўлганимда: Қаёққа қараб кетаяпмиз? Манзилимиз қаерда? Қанақа тузум қураяпмиз?, — деган саволларни кўплаб беришган, ушбу китобни синчиклаб ўқиб чиққан одам Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли борлигини аниқ-равшан англаб олади. Қаердаки имон, эътиқод кучли бўлса, ўша жойда илгари силжиш, тараққиёт бўлади. Халқимизга ҳам шундай омад тилайман.

Шундан сўнг шоир «Ҳикмат садолари» деб номланган янги шеърий тўпламидан намуналар ўқиди.

Шоир Муҳаммад Юсуф ҳам йиғилганларга янги шеърларидан ўқиб, ижодий режалари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашув Ўзбекистон ХДП аъзоларига аъзолик билетларини топшириш тантанасига уланиб кетди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзоси, шоир А. Орипов Халқобод меҳнат жамоасидаги Ўзбекистон ХДП аъзоларига аъзолик билетларини топшираркан, уларга самимий тилаклар билдирди.

Учрашув иштирокчилари қўшни Тожикистон республикасида бўлаётган қонли воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг шу муносабат билан БМТ Бош котибига йўллаган мактубини тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар.

Учрашувда Янгийўл район ҳокими А. Юсупов қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ахборот маркази.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бухоро вилояти фаоллари-нинг йиғилиши бўлди. Унда қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш, жумладан, пахта йиғим-теримини тез ва соз ўтказиш, мева ва узум, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай саранжомлаб олиш, давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Д. Ёдгоров сўзга чиқди.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

● Мабодо, унутган бўлсангиз хафа бўлманг. Ҳали имконингиз бор. Вақтни ўтказмай яқин орадаги алоқа бўлимига ёки почтахонага боринг. Ҳозир у ерларда илгаригидек одам кўп эмас. Бирпасда ҳужжатларни расмийлаштириб беришади. Агар 1993 йил учун обуна бўлсангиз, афсусланмайсиз. Чунки:

— республикада, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги ва бошқа хорижий давлатлардаги энг қизиқарли ҳамда ҳаяжонли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарларни;

— мамлакат раҳбарлари, йирик олимлар, адиблар, жамоат арбобларининг долзарб мавзудаги чиқишларини;

— ўткир фельетонларни, «Ажаб савдолар»ни, «Бўлди қизиқ ҳангомалар»ни, танқидий руҳдаги рейдларни, теша тегмаган лўқмаларни;

— республикамизнинг етакчи, ҳукмрон партияси бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси олиб бораётган ишлар тўғрисидаги тўла маълумотларни;

— энг яхши меҳнат жамоаларининг кишиларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тажрибаларини **ФАҚАТ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»дагина** ўқий оласиз! Айни пайтда истаган саволингизга жавоб топасиз, редакцияга қиладиган биронта мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди.

● Яна бир муҳим томони — «Ўзбекистон овози» ҳозир республикада нашр этилаётган газеталар орасидаги **ЭНГ АРЗОН** рўзномадир. Бу ҳам ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида катта аҳамиятга эга.

Яширмаймиз, бу газета чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилмоқда. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, обуна бўлинг.

● Унинг бир йиллик нархи — 384 сўм, олти ойга — 192 сўм, уч ойга эса — 96 сўм.

Индекси — 64583.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи

64583

(нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш: баҳоси сўм; баҳоси сўм; обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)



И. А. КАРИМОВнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўқиб

ҚИММАТЛИ ҚЎЛЛАНМА

● Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асари чоп этилиши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бу асар истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида амалий қадамлар қўйилаётган ҳозирги даврда ғоят катта аҳамият касб этади. Унда илгари сурилган ғоя ва фикрларни том маънода маънавий бойлигимизга қўшилган салмоқли ҳисса деб айтиш мумкин.

Тўғри шу кунга қадар республикамизда мустақиллик ҳақида кўп гаплар бўлган. Бироқ, мустақиллик ҳақида, истиқлолнинг назарий асослари ва уни мустаҳкамлашнинг амалий йўллари етарлича талқин қилинмаган. Айниқса, кейинги йилларда биров ҳис-ҳаяжон билан, биров эса оғир-босиқлик билан истиқлол ҳақида ҳолиқудрат фикр юритди. Лекин унинг келажаги, истиқболи ҳақида аниқ йўл-йўриқ кўрсатиб берилмади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда ушбу асарни ўз вақтида яратилган заруур қўлланма, мустақил Ўзбекистонимиз истиқлолининг назарий, асосий дастури, деса бўлади. Чунки китоб Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти ҳақида атрофлича тушунча беришгина қолмасдан, халқимизни мустақиллик руҳида тарбиялаш усул ва услубларини ҳам кўрсатиб берган.

Асарнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бу ўринда И. А. Каримов истиқлолнинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида бундай асар яратишга маънавий ҳақ-ҳуқуқли муаллиф эканлигини таъкидлаш жоиздир. Зеро, Президентнинг мустақиллик йўлидаги жасорати ва мардлигини, донолиги ва кенг мушоҳадалилигини республиканинг барча халқлари ва бутун дунё аҳли кўриб турибди.

Китобда «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш, республиканинг қатъий позициясидир» деб таъкидланган. Кўриниб турибдики, мустақил давлатимиз келажагини барпо қилишда бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб эмас, балки ўз йўлимиздан боряпмиз. Бир сўз билан айтганда, асар кишиларни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларни ҳур фикрлиликка ўргатиш борасидаги биринчи ва қимматли қўлланмадир. Биз дорилфунунимизда мустақиллик кунига бағишланган дастлабки дарсларимизда ушбу асарда илгари сурилган ғояларни талабаларга кенг маънода етказишга ҳаракат қилдик. Албатта бундан кейинги машғулотларимизда, суҳбатларимизда ҳам ушбу рисолага қайта-қайта мурожаат қиламиз. Буни жамоамиз профессор-ўқитувчилари ўзларининг маърифий бурчлари деб биладилар ва шу асосда ёшларни ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари маънавий бойлиги негизида тарбиялашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшадилар.

Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Наманган Давлат университети проректори, тарих фанлари номзоди, доцент.

ХДП ҳаётидан

ИШОНТИРИШ САНЪАТИ

● Ўзбекистон ХДП Хива район кенгашига 3500 нафардан кўпроқ партия аъзолари ўюшган. Бир йил ичида ўз атрофига шунча аъзо тўплаш, кишиларни тамомила янги партиянинг чинакам халқ ғамхўри бўлишига ишонтириш жўн иш эмас. Бунинг учун кишилар ўртасида катта ташкилотчилик, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориш, якка тарзда очиқчасига ва дилдан суҳбатлар ўтказиш, доимо мулоқотда бўлиш зарур.

Район партия кенгаши ижроия бюроси шундай йўл тутди. Асосий иш жойини жамоа хўжаликларига, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, билим юртларига кўчириб, партиянинг асосий мақсадини кишиларга чуқур тушунтирди. Бу ишга кекса партия аъзоларини тортди, уларнинг бой тажрибаси ва таъсир кучидан кенг фойдаланди. Халқнинг турмуш шароитини яхшилашга ҳалақит бераётган камчиликларни тугатиш ва дуч келинаётган муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашди. ХДП район кенгаши хайрия ишларини ўз қўлига олиб, етимесирлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар, Улуғ Ватан уруши, меҳнат, партия фахрийларига мунтазам ғамхўрлик қила бошлади.

Партия кенгаши биринчи навбатда савдодаги камчиликларни, айниқса сунъий тақчилликни бартараф этишга, дўконларда озиқ-овқат ҳамда саноат молларининг қаттиқ норма асосида тақсимланишига алоҳида эътибор бераяпти. Фаоллар, халқ ноиблари гуруҳлари бу соҳани мунтазам ўз назоратига олишган. Белгиланган тартибни бузган, зарур молларни яшириб қўйган савдо ходимларига нисбатан кескин маъмурий чоралар кўрилмоқда. Партия ташкилотларининг янгича иш услублари пировард натижада халқнинг ХДПга бўлган ишончи ва ҳурмат-эътиқодини мустаҳкамлаяпти. Шу боис ҳам партия сафига киришга ҳоҳиш билдираётган кишилар сони тобора кўпайиб боряпти.

Партия кенгаши ва бошланғич ташкилотлар партияга қабул соҳасига ҳам янгича ёндошмоқда. Бу ерда партияга киришни сўраб ариза ёзган одам дарров қабул қилинмайди. Бошланғич ташкилот аризани олгач унинг иш жойи ва маҳалладаги мавқеи, юриш-туриши, ички дунёсини обдон ўрганади, ҳатто кафиллик берганларнинг ҳам унга қариндош ёки ошна-оғайни эмаслиги ҳам назарда тутилади. Шундан кейингина унинг аризаси кўриб чиқилиб, кўпчилик овоз билан партия сафига қабул қилиниши масаласи ҳал этилади. Район партия кенгаши ҳам бошланғич ташкилот қарорини чуқур ўрганиб, ижроия бюро мажлисида тасдиқлайди. Шу йўл билан ХДП сафига фаолиятсиз, эътиқодсиз, айниқса нопок одамларнинг кириб қолиши олди олиняпти. Бундай иш услуби эса ўз навбатида одамларнинг ХДПга бўлган ишончини оширмоқда.

Район партия ташкилоти район ва шаҳар ҳокимияти билан ҳамиша узвий алоқада иш олиб боряпти. Ҳудудда амалга оширилаётган барча тадбирлар ҳар иккала ташкилотнинг ҳам ташаббуси билан рўёбга чиқяпти. Ҳокимият кўп ҳолларда масъул ўринларга тайинланадиган раҳбарларни ХДП тавсияси билан танлаб оляпти. Ҳокимиятнинг кенгаш фаолиятини қувватлаб, унга ёрдам бераётгани, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ХДП кенгаши ижроия бюроси билан баҳамтиш тутаётгани партиянинг жойлардаги обрўсини оширишда ҳам катта аҳамият касб этяпти. Район партия кенгаши районда республика мустақиллигининг бир йиллигини байрам қилиш тадбирларида ҳам фаол иштирок этди. Партия ташкилотлари меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида мустақиллик моҳияти, республиканинг келажаги ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар.

— Ҳозир жойларда ХДП аъзоларига партия билетлари топширияпти, — дейди район партия кенгаши биринчи котиби М. Бекжонов. — Биз бу тадбирлардан ҳам ХДП дастурий вазифаларини кенг тарғиб қилиш, кишиларни ХДП атрофида жипслаштириш, партиянинг обрў-эътиборини ошириш учун фойдаланяпмиз.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодий қийинчилик кечаётган бир пайтда аҳолини истеъмол буюмлари билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бундай пайтда Тошкент тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп минг кишилик жамоаси ишнинг кўзини билиб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: моҳир сараловчи Маҳмуда Йўлдошева.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

● ЁШЛАР қадрланган мамлакатда қариялар ҳам иззат-ҳурматда бўлишади. Шу боис, Самарқандда ёшлар турмушига эътибор кучайтирилмоқда.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши ва вилоят ёшлар комитети ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган эди. Яқинда вилоят ҳокимлиги халқ депутатлари вилоят Кенгаши учинчи сессиясининг ёшлар маиший-ижтимоий аҳволини яхшилаш тўғрисидаги қарори ижросини янада тезлаштириш чораларини белгилади. Дарвоқе қарорда «Ёшлар уйи» учун бино, оилавий талабаларга махсус ётоқхона ажратиш, «Истиқбол» жамғармаси ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Б. Бўронов вилоят ҳокимининг ёшлар тарбияси бўйича жамоатчилик асосидаги ўринбосари этиб тайинланди. Шаҳар ва район ҳокимликларида ҳам ана шундай йўл тутилди.

Фармон ТОШЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Бош муҳаррир ҳузуридаги махсус мухбир Фарғона водийсида иш бошлади

«Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози»)нинг Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Ҳолбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Саъдулла Кароматов, Ҳабиб Нўъмон, Турғун Пўлат, Султон Акбарий, Шоаҳмад Шораҳмедов, Ориф Юнус, Маъруф Назаров, Абдукарим Абдуазимов сингари забардаст чинорлари билан бир сафда, бир қозонда қайнаган, қирқ йилдан бери қалам тебратиб келаётган, «Қутлуғ қадам» романи, «Севги қаримас», «Меҳр кўзда», «Келин» сингари қиссаларнинг муаллифи Рустам Раҳмонга мақтов не ҳожат ўзи! Газетамизнинг 40 йиллик таҳлами Рустам Раҳмоннинг жўшқин ижоди ҳақида гувоҳлик бериб турибди. Рустам Раҳмон ҳамон ўша-ўша дардли, оловли. қалб билан ижод қилмоқда.

Рустам Раҳмон Андижон вилоятининг Ширмонбулоқ қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Падари бузруквори ҳам, волидаи муҳтарамаси ҳам деҳқон эдилар.

Журналист бўлиб туғилмайдилар, балки ҳаётда шаклланадилар. Бўлмаса «Ленинизм» колхозида уруш йиллари ўз меҳнат фаолиятини бошлаган ўсмир йигитча бир вақтнинг ўзида ҳам колхоз раисининг котиби, ҳам ҳисобчи, ёрдамчи бухгалтер, тафтиш комиссиясининг раиси, пилла тайёрлаш мавсумида пиллачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаганида унинг келажакда республикамизнинг етук журналистларидан бири бўлиб етишади, деб ким ўйлабди, дейсиз!!

1950 йилда Москвада комсомол марказий мактабининг ёшлар матбуоти бўлимига кирган Рустам Раҳмон икки йилдан сўнг «Ёш ленинчи» газетига йўлланма билан келади. Дастлаб адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. 1954—1963 йилларда «Қизил Ўзбекистон»да фан ва маданият бўлими мудири, кейинчалик Андижон вилояти мухбири, совет қурилиши бўлимида мудир бўлиб ишлади. 1966—1970 йилларда эса «Ғулистон» журналида бўлим мудири, масъул котиблик қилган Рустам Раҳмон ҳозирга қадар Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг Андижон вилояти бўйича мухбири эди.

Яқинда у «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ҳузурида Фарғона водийси (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) бўйича махсус мухбири этиб тайинланди.

Ўткир нигоҳли, катта тажрибали, серқирра ижодкор «Ўзбекистон овози» сафига қайтди. Журналистга баҳони ўқувчи беради, деган гап бор. Унинг янги лавозимда бугун эътиборингизга тақдим этилаётган биринчи мақоласини ўқиб, келгусида нималарга қодирлигини кузатиб бориш сизга ҳавола.

Рустам РАҲМОН

БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Ўзим туғилиб вояга етган водийни «яёв кезиб», қўлимга қалам олганимда, беихтиёр, эллигинчи йилларнинг бошларида Москвада бир етук журналистнинг ёшлар олдидаги маърузасида айтган ибратомуз гапи ёдимга тушди: «Агар Украинада бўлсангу Донбассни кўрмасанг, демак сен Украинага бормагансан. Агар Арманистонга борсангу Арарат водийсини кезмасанг, демак, сен Арманистонни кўрганинг йўқ. Агар Ўзбекистонга борсангу сулув Фарғона водийсини кўрмай қайтган бўлсанг, демак, сен Ўзбекистонда бўлмагансан», деган эди.

Водий таърифига шу гапнинг ўзи етар, деб ўйлайман.

Бугун Фарғона водийсини ҳар тарафдан қуршаб ётган Мўғул, Қурама, Фарғона ва Туркистон тоғлари оралиғида Ўзбекистоннинг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари, Тожикистоннинг Ҳўжанд вилояти жойлашган. Таърифи тарихда зикр этилиб, тилларда достон бўлган бу ажойиб диёрда ўзбек, қирғиз, тожик ва бошқа миллат, элат кишилари узоқ асрлардан бери тақдирдош бўлиб яшаб келадилар.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, бундан 2200—2300 йил илгари Хитой императорининг элчиси Да-Вань мамлакатнинг (ҳозирги Фарғона водийсининг) пойтахти Эрши (ҳозирги Мингтепа вайроналари)да бўлгани, халқнинг урф-одатлари, мамлакатнинг аҳволи ҳақида ёзган маълумотномаси ҳозир ҳам Хитой императорининг кутубхонасида сақланаётгани маълум.

Ўтган асрга келиб, чоризм лашкари водий халқи қонини тўкиб, уни ўзига тобе қилиб, юрт бошига ўзининг тилуқмас губернаторини қўйганида Фарғона яхлит бир ўлка эди. Большевиклар инқилоби содир бўлганидан кейин эса азамат ватанпарварлар ўз юрти ҳимояси учун бош кўтариб чиқдилар. Мадаминбек, Кўршермат, Холхўжа ва бошқа кўпгина ўғлонлар ўз юртида «босмачи» деб аталдилар. Минг афсуслар бўлсинким, юрт бошчиларининг соф ниятини ўша пайтнинг инқилоб илмидан таълим олиб улгурмаган қуйи табақадаги вакиллари озодликка эришишнинг бирдан-бир чораси — бирлашиш эканлигини англаб етмадилар. Халқ манфаатини шахсий манфаат йўлида қурбон қилиб, озодлик байроғи ва ҳокимият бирёқда қолиб, ўзаро зўрлик, калла талашиб кетдилар. Натижада улоқ чопиш пайтида улоқ от туёқлари остида ётгани ҳолда бир-бирининг бошига қамчи урган улоқчилар кепатасига тушдилар. Бундан фойдаланган большевиклар ерда ётган улоқни (давлатни) осонлик билан тортиб кетдилар.

Кейинчалик водийда асрлар давомида елкадош бўлиб яшаб келган ўзбек, тожик, қирғиз оғайнилар бирлашиб олиб, келгиндиларни қувиб юбормаслиги учун водий ерларини қайчилаб қуроқ-қуроқ бўлакларга бўлиб учта жумҳуриятга тақсимлашди.

Узоқни кўзлаган бу сиёсат энди «мева» бера бошлади. Ўш ва Ўзганда қирғизлар билан ўзбеклар тўқнашуви, Ҳўжанд ва Ўш вилоятлари чегарасида тожиклар билан қирғизлар можароси бунинг оқибатидир.

Жанжаллашиб қаёққа борардик?! Ахир, бу халқлар авлоди минг-минг йиллардан бери шу жойда яшаганлар, яна минг-минг йиллар шу жойда яшайдилар. Шундай экан, улар аҳил яшашга мажбурдирлар. Ўш вилоятида бир талай ўзбеклар яшагани сингари биргина Андижон вилоятида етмиш минг қирғиз умр кечирмоқда. Бу қирғизлар истиқомат қилиб турган қишлоқлар, маҳаллалар вилоятнинг турли районларида— ўзбеклар яшаб турган қишлоқлар оралиғида жойлашган.

Ҳа, улар бир-бирларисиз яшай олмайдилар, деганимда бир неча ҳолатни кўзда тутмоқдаман. Биринчидан, об-ҳаёт Ўзбекистонга қарашли вилоятларга Қирғизистон тоғларидан оқиб келади: ноз-неъматнинг кўп қисми қирғизларга Ўзбекистондан боради ва ҳоказо. Айни пайтда қирғиз билан ўзбек, ўзбек билан тожик орасида қиз олиб қиз бериш одат тусини олгани кўпчиликка аён.

Ўтган йили Қирғизистон Республикаси Министрлар Советининг Раиси Н. Исанов Жалолобод шаҳри ёнида автомобиль тўқнашуви оқибатида ҳалок бўлди. Қирғиз оғайнимизнинг ўзбек халқига ҳурмати бор эди, шуни назарда тутиб, Жалолқудуқ районидаги Ильич номли жамоа хўжалигига унинг номи берилди. Буни ҳар икки жумҳурият халқи маъқуллаб кутиб олди. Кечагина Қирғизистонда рўй берган кучли зилзила натижасида Жалолобод вилоятининг кўпгина хонадонлари вайрон бўлганида қўшни Андижон вилояти меҳнаткашлари вилоят ҳокими Қаюм Холмирзаев бошчилигида озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон етказиб бердилар. Чунки дўст бошга иш тушганда синалади.

Кейинги пайтда водий халқлари орасида Тожикистонда бўлаётган воқеалар муносабати билан анчагина ҳавотирлик ва ачиниш уйғонгани сир эмас. Бу маълум асосларга эга, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари шаҳар ва қишлоқларига Қирғизистон, Тожикистоннинг нотинч жойларидан бирин-сирин оилалар кўчиб ўтиб, уй-жой сотиб олмоқдалар. Фарғона шаҳрида бир ҳовлига Тожикистондан қариндош-уруғлар бўлиб, тўрт-беш хўжалик кўчиб келиб ўтиришганини айтишди. Чўл зонасида қурилиб, ҳозир бўш турган уйларда ҳам нотинч ерлардан келган оилалар жойлашган.

Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида аҳоли ўта даражада зич жойлашган. Шу сабабли ишга ярокли кишиларни иш билан таъминлаш оғир кечяпти. Бунинг устига деҳқончилик қилинадиган ерлар тобора камаймоқда. Бундай шароитда янги ишчи кучларининг келиб қўшилиши ҳокимиятга бирмунча қийинчилик туғдиради. Ҳозир, масалан, республикамизнинг Бухоро вилоятида бир квадрат километр майдонда ўртача 12 киши, Жиззах вилоятида 38 киши, Қашқадарё вилоятида 60 киши яшаб тургани ҳолда Андижон вилоятида 427 киши, Фарғона вилоятида 313 киши, Наманган вилоятида 197 киши истиқомат қилмоқда.

Шундан кўриниб турибдики, Фарғона водийсида яшаб турган барча миллат вакиллари ота-боболаримизнинг анъанавий турмуш тарзини маҳкам тутиб, тинч, осойишта, аҳил яшаш пайида бўлишимиз керак. Халқимизнинг «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «Куч-қудрат бирликдадир» каби ҳикматли мақолларини унутиб қўймайлик.

Яна халқимизда ажойиб нақл бор:

Юнг ўзи хўб юмшоғу хўб майдадур,
Гар эшилса арқон бўлиб фил бойланур.

СССР парчаланиб, Ўрта Осиё халқлари мустақилликка эга бўлдилар. Шундай бир улуғ неъмат катта имконият насиб этиб турганда ҳаммамиз бирликда бўлиб, жумҳуриятимиз қудрати, фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнатга киришсак, қандай яхши!

Қувадаги машҳур деҳқон Мусожон Шербўтаев «Биз Аллоҳ насиб этган мустақилликни фақат бирлашсак, аҳил-иноқ туриб меҳнат қилсак сақлаб қола оламиз» деганида тамомила ҳақлидир. Бу фикр мени бир мулоҳазага чорлади. Жумҳуриятимизнинг айрим жойларида, хусусан, Фарғона водийсида ўринсиз ва фойдасиз ажралишлар рўй бермоқда, яъни районлар, хўжаликлар бўлиниб, майдалашиб бормоқда.

Яқинда Хўжабод районидан Булоқбоши райони ажралиб чиқди. Хўш, нимага эга бўлдик? Натижа шу бўлдики, Хўжаобод районида саккизта саноат корхонаси қолди, Булоқбошида-чи? Ҳеч нарса. Кулла, Булоқбоши қишлоқларида бир-иккита чоғроқ корхона бор. Лекин улар Андижон шаҳридаги корхоналарнинг филиаллари. Асосий даромад шаҳар бюджетига тушади.

Аввалги раҳбарларнинг калтабинлиги ё худбинлиги туфайли саноат корхоналари асосан район марказига ва унинг атрофига қурилаверган. Ваҳолонки, йигирма мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган ва ички ресурсига эга бўлган Булоқбоши ҳамда унинг ҳудудида бўлган бошқа қишлоқларда бу хил корхоналар қуришга эътибор берилмаган. Бу нарса аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Оқибатда Булоқбоши ҳудуди аҳолиси районни ажратиб олди. Агар аввалги раҳбарлар олдиндан бу тенгсизликни ўз вақтида бартараф қилиб боришганида эди, яхлит бир район сунъий равишда иккига бўлинмас эди.

Тараққиётга, қишлоқларни ободонлаштириш ва саноат корхоналари барпо қилишга жамоа, давлат хўжаликларининг кўр-кўрона майда-паштириб юборилаётгани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир неча йил аввал Андижоннинг Шаҳрихон районида 16 та хўжалик бор эди. Бугун 22 тага кўпайди. Буни қарангки, айрим хўжаликларнинг ер майдони 500-600 гектар, пахта ери эса 350-400 гектарни ташкил этади. Бундай кичик хўжаликни бошқариш учун яна ўша аввалгича маъмурий ва мутахассис кадрлар ажратилган. Эндиликда идора ходимлари учун бир талай маош тўлаш керак. Кимнинг ҳисобидан? Албатта, далада пешона тери тўкаётган оддий меҳнаткашлар ҳисобидан!

Хўжаликлар майдалашгач, унинг даромади ҳам ўзига яраша бўладида. Энди бу хўжаликда кичик ёрдамчи корхона барпо қилиш имконияти ҳам чекланади. Бундай ишларни қилиш учун мўмай-мўмай маблағ керак. Хўш, буёғи нима бўлади? Хўжалик аъзоларининг куни қаппайган маъмуриятни тўйдириш билан ўтаверади-да! Тўртта-бешта мансабпарастнинг саъйи-ҳаракати билан каттагина хўжалик пароканда бўлди-қолди.

Наманганда қизиқ бир ҳангомани айтишди. Вилоят босмахонаси, «Наманган ҳақиқати», «Наманганская правда» газеталари ходимлари мустақил бўлишни хоҳлаб қолишибди. Бухгалтерияни ажратиб олишибди. Ҳа, яхши бўлди, деб юришса, байрам яқинлашиб, бинони таъмирлаш лозим бўлибди. Бино пештоғига байроқ осиш керак. Қани, ким қилади деса, ҳеч бири харажат қилишни хоҳламасмиш. Ҳатто эшик олдини супириш ҳам ўлда-жўлда қолибди. Ниҳоят, инсофга келишиб, яна бухгалтерияни бирлаштиришга қарор қилибдилар.

Шу кичкина ҳангома беҳуда бўлиниш, фойдасиз ажралишларнинг қанчалик ҳунук оқибатларга олиб келишига мисол бўла олади.

Биргаликда, аҳилликда хосият кўп. Бизнинг ҳозирги кунлардаги энг дардли мақсадимиз, Президент атрофига жипслашиб, мустақиллигимизни реал бир асосга қўйишда ҳаммамиз якдил бўлмоққа бурчлимиз.

Ушбу биринчи мақоламни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғали жанобларига йўллаган мактубидаги қуйидаги қуйинчаклик билан битилган сўзлар билан якунламоқчиман: «Энг муҳими—асрлар давомида Ўрта Осиёда одамлар ва халқларнинг борлиқ тарихий ўтмиши чамбарчас боғланиб, қондош-жондош бирликка айланган, улар ўртасида сунъий равишда қўйилаётган айирмачилик тўсиқларини одамлар ва халқлар руҳий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам мақбул кўрмайдилар».

• Акс-садо

«ХИЁНАТ»

«Ўзбекистон овози», 1992 йил 22 июль

ҚИСМАТ

«Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва Озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун».

Амир ТЕМУР.

БОБОМИЗ Амир Темурнинг бундан 587 йил муқаддам бизларга қолдирган васият ва тузукларининг нақадар улуғлигини ҳаёт кўрсатиб келмоқда. Айниқса, қафасдан озодликка чиққан қуш каби ,мустамлакачиликдан мустақилликка эришган юрт ва унинг халқи истиқлол қадрини чуқур ҳис этар экан.

Ўтган етмиш йиллик таҳқир ва зиддиятлардан иборат даврда ҳам жумҳуриятимизни бошқаришда, юртни обод қилишда, халқ ишончини оқлашда яхши ном қолдирган халқимиз фарзандлари биз ва келажак авлод учун ҳам ибрат ва фахрдир. Аммо таассуф ва надоматлар бўлсинки, ҳамма раҳбарлар ҳам бундай яхши номга мушарраф бўла олмас экан. Уларнинг ичида халқи, миллати дардлари, саодатига бефарқ қараган, ўз виждони амри, эътиқодига қарши иш тутиб, тубан кетганлари ҳам бўлар экан. Айниқса, шу ўлкада туғилиб, унинг сувини ичиб, нонини еб, тарбиясини олиб, олий мансаб курсисигача кўтарилиб, ўз халқига нисбатан терс иш тутган, хиёнат қилганлар, халқ тақдири билан ўйнашганлар эл-юрт нафратига дучор бўлганлари маълум.

Ҳа, ўтмишда хоинлар, сотқинлар, миллатфурушлар юртга катта моддий ва маънавий зарар келтирганлар. Ундай маълумларнинг қилмиши туфайли халқ хўрланган, жабр кўрган, қадриятлари поймол қилинган. Шу туфайли ҳар қандай тарихий шахс, воқеалар халқ идрокидан ўтиб, ўз баҳосини олган. Халқнинг баҳоси, дуоси билан яхшилар кўкарган, ёмонлар ўз жабрини топганлар.

Шу боис, 22 июлдаги ушбу рўзномада эълон қилинган «Хиёнат» мақоласи маҳалла аҳли ўртасида ҳам кенг муҳокамага сабаб бўлди. Мақола «қаҳрамони» Р. Нишоновнинг юртимизга, халқимизга нисбатан кўрсатган «каромати» Тошкент шаҳрининг кўпгина маҳаллалари оқсоқоллари, фаоллари ўртасида қаҳр-ғазаб, нафрат уйғотганининг гувоҳи бўлдик, ўзимиз ҳам қаттиқ таъсирландик.

Мақолада Ўзбекистон Компартиясининг собиқ биринчи котиби (1988-1989 йиллар) Рафиқ Нишоновнинг республикамиз ва унинг халқига нисбатан етказган катта моддий ва маънавий зарари тўғрисида сўз боради. Дарҳақиқат, ўша даврда Фарғона, Бўка, Паркентда бўлиб ўтган мудҳиш, қонли воқеалар оғир вазиятда юртни бошқара олишдек бошқарув санъатининг етишмаслигидан бўлди. Айниқса, Гдлян, Иванов каби риёкор, иш услуби босқинчилик, зўравонликка асосланган қонунбузар «қонуншунослар»нинг душманлик мақсадида «ўзбеклар иши», «пахта иши»дек ўйлаб топилган уйдирмани кўпиртирганликлари, шу аснода меҳнаткаш, беозор, меҳрмурувватли халқимизни фирибгар, порахўр, муттаҳам, деб ҳақоратлаганлари асло кечириб бўлмас ҳолдир.

Умуман, бизнинг назаримизда, бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларнинг келиб чиқиши республикамизда аслида Усмонхўжаев, Абдуллаевалар давридан бошланган. Улар «қайта қуриш» баҳонасида бутун бир мамлакатни барбод қилишга қаратилган, ғайриқонуний, умуминсоний қадриятлардан узоқ бўлган сиёсатни қарам республикаларга зўрлаб тарқатишнинг қурбони бўлдилар. Сиёсий Бюро ва Иттифоқ давлатини бошқарган кимсаларнинг қабиҳ ишларини мажбуран бажардилар, юрт, халқ, манфаатидан узоқда бўлдилар.

Агар инсоф нуқтаи назаридан айтадиган бўлсак, собиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳийла-найранги туфайли содир бўлган қулфатлар, талофатлар, нотинчликлар, халқлар ўртасидаги низолар фақат Ўзбекистондагина эмас, балки собиқ СССР таркибидаги барча иттифоқдош республикаларда ҳам юз берган ва бу ҳаммага маълум. Хўш, республикамизда бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш ёки уларни шу даражада ривожлантирмаслик мумкин эдими? Бизнингча ҳам мумкин эди. Бунинг учун ўша даврда ҳозиргига ўхшаш халқ манфаатини ўйлаб иш тутадиган, давлатни бошқариш санъати вужудида бўлган, жасур, тадбиркор изланувчан, ҳар қандай залворли панжага худди шундай панжа ура оладиган раҳбар бўлиши лозим эди. Афсуски, юртимизнинг, халқимизнинг қисмати шундай экан, мақола «қаҳрамони» Р. Нишонов ва унга ўхшаш айрим масъул раҳбарларнинг марказдан келган тили бошқа, иши бошқа «десантчилар» гирдобидан чиқаолмаганлиги юртимиз, элимизга қимматга тушди.

Бунинг устига ундай «даҳолар»нинг таъсири остида маҳаллий кадрларимиз қадр топмади, очиқроғи уларга «қора танлилар» сифатида қаралди.

ЎША даврда адолатсизлик, инсонлар ҳуқуқларининг топталиши оқибатида республикадаги маънавий сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётга жиддий путур етказилгани ҳақиқатдир. Биз турли вилоятларда юз берган фожиали воқеаларни, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунсиз тафтиш-тинтув ишлари олиб борилганлигини, минглаб бегуноҳ кишиларнинг ишдан бўшатилиб, қамалганликларини, улар оилаларининг ёшу қарисига катта маънавий ва жисмоний таъсир кўрсатилганини эса олиб, дардли кўнгилларини яна ўртамоқчи эмасмиз. Аммо юртимизнинг пойдевори, миллий ғуруримизнинг олий мактаби, миллатимизнинг фахри, одамларнинг бошини қовуштирувчи, меҳр-оқибатга, инсофга, диёнатга ундовчи, етим-есирни ўз бағрига олувчи, юртнинг тинчлиги, халқларнинг дўстлигини, осойишталигини сақловчи, номусли, ҳаёли, имонли, сабр-тоқатли кишилар яшовчи пурҳикмат жой — маҳаллаларимиз, улар аҳолисининг ачинарли аҳволга ташлаб қўйилгани, уларга «частний сектор» деб аҳамият берилмагани, у эскилик сарқити сифатида хўрланганини, ижтимоий иқтисодий, маданий томондан адолатсизликка учраганини айтмаслигимизнинг иложи йўқ. Барча қулай шароитлари мавжуд, шаҳарнинг марказида жойлашган замонавий уйларни давлат томонидан текинга олиб, ҳузур-ҳаловатини кўрганлар янги шаҳарликлар деб, киндик қони шу ерда тўкилган, йиллаб йиққан моддий бойликларини лой чангаллаб, чанг ютиб бошпана қуришга сарфлаган, барча қулай шароитлардан маҳрум бўлган маҳалла халқи эски шаҳарликлар, деб ном олганлари ҳаётий борлиқдир.

Азалий миллий урф-одатларимиз топталди. Қиз-аёлларимизнинг рўмол ўраб, атлас кўйлак кийганликлари учун уларни маданиятсизликда, қолоқликда, дўппи, тўн кийган эркакларни миллатчиликда, жанозага борганларни тубанликда, художўйликда айблаганлар, одамларни ўз ота-онаси, яқин уруғи жаноазасида, фотиҳасида қатнашишга журъат эта олмасликка олиб келганлар ҳали эсдан чиққани йўқ. Халқимиз қадриятлари оёқ ости қилинган йилларда ҳақиқат, адолатни юзага чиқариш, халқ ташвиши билан яшаш ўрнига ўша даврда раҳбарларининг тутган сиёсати халқимизга қимматга тушди.

Доно халқимизнинг: «Яхшидан от қолади, ёмондан дод» деган ўгитининг ҳақ эканлигини ҳаёт кўрсатди. Шукроналар бўлсинки, 1989 йилнинг иккинчи ярмидан жумҳуриятимиз узра адолат шаббодаси эсиб, ҳаётимизда туб ўзгаришлар бўла бошлади, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, динимиз қадр топди, янгича тафаккур туфайли, катта саъй-ҳаракатлар билан бошланган ишлар шарофатидан маҳаллалар ҳам баҳра ола бошлади. Маҳаллага эътибор берилиши «Маҳалла» дастурининг тузилиши, у бўйича 100 миллион сўмлик ишларнинг бажарилиши, маҳалла аҳолисидан Олий ва маҳаллий Кенгашларга депутатларнинг сайланиши, республика маҳалла фаолларидан 60 кишининг юксак мукофотлар билан тақдирланиши, маҳалла комитетлари раислари, котибларига ҳақ тўланиши, маҳалла ҳаётини ёритиш учун оммавий ахборот воситаларидан жой берилиши, Президентимиз И. А. Каримовнинг пойтахт шаҳар маҳалла фаоллари билан учрашуви каби ишларни ҳали тарих билмаган. Бу, давлатни тўғри бошқаришни, халқ манфаатларини ўйлаб иш тутишнинг маҳсулидир.

Яна мақолага қайтадиган бўлсак, ўша даврда миллий руҳиятимиз заррар топганлиги, асрлар оша аҳил бўлиб яшаб келган Ўрта Осиё халқлари ўртасида низо чиқаришга қаратилган пинҳоний ва ошкора ҳаттиҳаракатларга ўз вақтида зарба берилмаганлиги ҳақида адолатли фикр юритилган. Агар Нишонов кўпни кўрган раҳбар сифатида халқимиз тарихи, маданияти, адабиётини чуқур билганда эди «Известия» рўзномаси мухбирига Ибн Сино фақат тожик миллатигагина мансуб эмас, балки Ўрта Осиё халкларининг буюк сиймоси эканлигини таъкидлаган бўлур эди. Шунингдек, мақолада Чўлпон, Бобур сингари сиймолар номларини тиклашга уринаётган зиёлиларни «тартибга чақириш» ва уларни таҳлика остига олишда фақат Нишоновни эмас, балки унинг мафкуравий сафдошлари ҳам тилга олинса, кўнгилдаги гап бўлур эди.

МАҚОЛАДА Нишоновнинг маънавий қиёфаси хусусида ҳам гап боради. Биз буни таҳлил қилишга ожизлик қиламиз. Аммо ўша вақтда халқимизнинг севикли раҳбари Шароф Рашидовнинг Р. Нишоновга қилган яхшиликларини биз ҳам эшитганмиз. Аммо яхшиликка яхшилик қайтмади. Ш. Рашидовга нисбатан туҳмат ва бўҳтонлар уюштирилди. Кези келганда шуни айтиш лозимки, республикамиз тарихида юртга, халққа 25 йилдан кўп падарлик қилиш фақат Ш. Рашидовгагина насиб қилган. У юртимизни обод қилишда, уни дунёга танитишда, Тошкент шаҳрининг қайта тикланишида, унинг дунё пойтахт шаҳарлари ичида обрў топишида тириклигидаёқ ўзига ҳайкал ўрнатган эди. Ш. Рашидовнинг халқ ўртасидаги обрўси нақадар баланд бўлганлигига биз ҳам шоҳидмиз. Иқтидорли бир зиёлининг вафоти куни унинг уйига бориб, оиласига таъзия билдирганини, халқ билан ҳовлида ўтириб тиловот қилдириб, юзига фотиҳа тортганлигини кўрганмиз. Шунинг учун халқ билан ҳамнафас бўлган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳар ким экканини ўради. Элюртига хиёнат қилганларнинг қисмати аччиқ бўлиши табиийдир, бу ҳаёт қонуни. Бобомиз Амир Темур айтганларидек, халқимизда ҳеч кимдан ўч олиш мақоми бўлмаган. Аммо тузини еб, унга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга ҳавола қилган.

Имонимиз комилки, Ўзбекистон Республикасида истиқлол ва истиқбол сари қадамимизни чалиштирмоқ, осуда ҳаётимизга раҳна солиш ниятида юрган, ўз халқига терс иш тутмоқчи бўлган ҳарқандай ғаниларга керакли зарбани бера оладиган соғлом кучлар етарлидир. Омонатга хиёнат қилганлар, диёнатини йўқотганлар ўз гуноҳларини ювиб, покланишлари учун ҳали вақт кеч эмас. Халқимиз, улуғларимиз ўгитларига, панду насиҳатларига амал қилган ҳар қандай шахс ўз ҳаётида йўлини топа билган. Ўзбек халқи ахлоқий-маънавий, тарбия бобида ибратли халқ эканлигини унутмаслигимиз, буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлмоғимиз лозим.

Одамдан одамнинг фарқи бор деганларидек, республикамизда ўтган икки йилдан ошиқ давр ичида амалга оширилаётган ишларни аҳлирасо ҳар бир киши кўриб, билиб турибди. Биргина мустақилликнинг ўзи халқимизнинг 130 йиллик орзуси эди. Шундай тарихий дамларни бошдан кечираётган, ҳали олдимизда қилинадиган улуғвор ишларимиз ошиб-тошиб ётган бир вақтда, ўтмишдан сабоқ олиб, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги, истиқболнинг мураккаб ва машаққатли йўлларида барча кучларни бирлаштириб иш тутмоғимиз, ўзимиз танлаган, ўзимиз сайлаган куйди-пишди Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатига камарбаста бўлмоғимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасини 120 дан зиёд давлат тан олиб, дунё меҳварида ўзининг қонуний ўрнини эгаллагани, элчихоналарнинг очилаётганлиги, юртимиз, миллатимиз, мустақиллигимиз шарофати, Президентимиз ҳурмати ила Каъбатуллоҳ олтин эшикларининг очиб берилиши, Хельсинкидаги Умумжаҳон давлатлари мажлисида И. А. Каримовнинг раислик курсисида ўтириши, бирқанча хорижий мамлакатлар билан бунёдкорлик ишларининг бошлаб юборилгани ўтган аждодларимизнинг айта олмаган, қила олмаган. дилларида буюк армон бўлиб келган орзуларининг ушалаётганлигидан далолатдир. Бу, эндигина бир ёшга тўлган мустақил Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун қўйилган дастлабки муборак қадамдир. Буларни қадрлашимиз, эъзозлашимиз, бу нурли йўлда янада дадилроқ, мардроқ, ақллироқ, ботирроқ, янада ахлроқ, баҳамжиҳат бўлиб иш тутишимиз ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шукур ТЕМУРОВ,
Тошкент шаҳар Кенгаши маҳалла ва уй комитетлари билан ишлаш доимий комиссияси раиси.

Кабир КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Эгамназар ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи музейининг катта илмий ходими.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
Ҳамза район маҳаллалар кенгаши раиси.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

САВОЛ: Менинг беш фарзандим бор. Меҳнат стажим 15 йил. 50 ёшга тўлдим. Айтингчи, қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми? Яна саволим шуки, қарилик пенсиясига чиққанимдан кейин ишдан бўшатиб юборишлари мумкин экан, шу тўғримми?

С. ҲОШИМОВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: — Амалдаги қоидага кўра, беш бола туққан ва уларни 8 ёшгача тарбиялаган оналар 50 ёшга тўлганларида 15 йиллик меҳнат стажи билан қарилик пенсиясига чиқишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлар мажмуасининг 41/1 примм моддаси талабига кўра, эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга тўлиб қарилик пенсиясига чиқиш учун тўлиқ ҳуқуққа эга бўлганларида маъмурият касаба уюшмаси билан келишган ҳолда ишчи ёки хизматчини (у рози бўлмаса ҳам) ўзининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга ҳақли.

Демак, бундай ишдан бўшатиш тартиби яна беш йил ишлаганингиздан кейин сизга жорий қилиниши мумкин.

* * *

САВОЛ: — Менинг ёш болам борлиги учун 4 соатлик тўлиқсиз иш кунида ишлашга кўчиришди. Бир йил ишлаганимдан сўнг меҳнат таътили 12 иш куни (аввал 24 иш куни эди) яъни аввалги таътилнинг ярмини беришди. Шу тўғримми?

К. ОРИПОВА,
Урганч шаҳри.

ЖАВОБ: — Йўқ, тўғри эмас. Собиқ СССР Олий Кенгаши Раёсати ўзининг 2 сентябрь 1987 йил фармони (ҳозир ҳам амалда) билан болали аёлларга белгиланган имтиёзлар доирасини кенгайтирган. Унга кўра, ҳомиладор ёки 8 ёшгача болалари бўлган аёлларга, шунингдек, медицина хулосасига кўра бетоб оила аъзосига қараб турган аёлларни илтимосига кўра тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасига ўтказишга маъмурият мажбур.

Иш ҳақи ишланган вақтига мутаносиб равишда ёки ишланган маҳсулот ҳажмига қараб белгиланади. Бундай тўлиқсиз иш кунида ишлаш имконияти аёл болани қараб турганлик таътили вақтида ҳамда хонадон (уйда) шароитида ишлаш учун ҳам берилиши мумкин.

Тўлиқсиз иш кунида ишлайдиган аёлларга йиллик меҳнат таътилига чиқиш кунларини белгилашда ҳеч қандай чеклаш мумкин эмас.

Демак, сиз 24 иш кунидан иборат таътилдан фойдаланишга ҳақлисиз.

* * *

САВОЛ: — Мени иккинчи квартал якуни бўйича мукофотдан маҳрум этишди. Сабаби ўшанда ишга бир кун чиқмаган эдим. Прогул учун ҳайфсан олган эдим. Бу икки маротаба жазолаш эмасми?

К. СОБИТОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: — Собиқ СССР меҳнат ва ижтимоий масалалар Давлат комитети ва ВЦСПСнинг (ҳозир ҳам амалда) 1977 йил 28 июнь (кейинчалик ўзгаришлар киритилган) Низомига асосан мукофотлаш тартиби ўрнатилган. Унга кўра ишга сабабсиз прогул қилгани учун (шунингдек, ишга маст ҳолда келганлиги учун) мукофотдан маҳрум этиш мумкин. Мукофотдан қисман ёки тўлиқ маҳрум қилишни амалга ошириш ўша прогул қилинган ишда нуқсонлар содир этилган ҳисобкитоб даврига тўғри келиши керак.

Меҳнат интизомини бузганлик учун ҳайфсан эълон қилиниши ва мукофотдан маҳрум қилиниш бир ноўрин ҳаракат учун икки интизомий жазо ҳисобланмайди.

Демак, сизга нисбатан маъмурият қонунга хилоф иш тутмаган.

* * *

САВОЛ: —Мен янги корхонага кўчиб ўтиб ишлаётганимга тўрт ой бўлди. Таътилга кетиш учун ариза берсам, маъмурият 11 ой тўлганидан кейин дам олишга борасиз деди. Шу тўғримми?

С. ТОЛИПОВ,
Андижон шаҳри.

ЖАВОБ: — Амалдаги қоидага кўра, бир корхонадан бошқа корхонага кўчирилган ишчи ва хизматчиларга, улар кўчирилганидан кейин 11 ой (тартибга кўра ишчи ва хизматчиларга меҳнат таътили ишлаганига 11 ой тўлиши билан берилади) ишламасдан ҳам таътил кунлари берилиши мумкин. Агар кўчирилишдан олдин ходим бир корхонада 11 ой ишламаган бўлса, ходимга йиллик таътил кўчирилишидан аввал ва кейин, жами бўлиб 11 ой ишлагач, берилиши мумкин.

Жавобларни ҳуқуқшунос А. ҲАСАНОВ тайёрлади.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● НАВОИЙ

ХЎЖАЛИК ЗАВОДИ ЭШИК ОЧДИ

● Қизилтепа районидаги «Бўстон» давлат хўжалигида консерва заводи фойдаланишга топширилди. Бу завод ойига 60 минг шартли банка консерва ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу ерда помидор шарбатлари, томат пасталари ишлаб чиқарилади. Ҳозир хўжаликда ишсиз юрган 25 нафар хотин-қиз ишчи ўрни билан таъминланди. Келгусида завод ёнида мева шарбатлари ишлаб чиқариш, чанқоқбосди ичимликлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

ХАЙРЛИ ИШ ХОНАДОНДАН БОШЛАНДИ

● НАВБАҲОР районидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигида қўйчилик, қорамолчилик ёрдамчи хўжаликлари кўпаймоқда. Яқинда хўжаликда нутриячиликка ҳам қўл урилди.

Бу хайрли иш Нормурод Жумаев хонадонида бошланди. Ҳозир бу ерда 300 дан зиёд нутрия парвариш қилиняпти. Хонадон соҳиби нутрия терисидан телпак, ёқа ва пойабзал ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Нутриячилик хўжаликнинг бошқа хонадонларида ҳам ташкил этилади.

Музаффар ШАРОПОВ.

● АНДИЖОН

«МУСТАҚИЛЛИК» КИЧИК КОРХОНАСИ

● МУСТАҚИЛЛИК байрами куни Андижон шаҳрида яна бир кичик корхона иш бошлади. Унга «Мустақиллик», деб ном берилди.

Бу ерда кийим-кечаклар тикилади, рўзғорда ишлатилиб, эскирган пахта титилиб, янгиланади.

— Кўп жойларда бензин танқислиги бошланди, — дейди кичик корхона раҳбари Алишер Марозиқов, — шунинг учун биз олди-берди усулида четдан ёнилғи олиб келиб, сотишни режалаштирдик.

ҚУТЛУҒ КУН-ЧАҚАЛОҚЛАРИ

● ЎЗБЕКИСТОН мустақиллиги айёмида Андижон шаҳрида 36 нафар чақалоқ дунёга келди. 20 ўғил, 16 қиз шаҳарнинг янги фуқароси бўлди. Нигорахон Хотамова эгиз фарзанд кўрди.

Ўша куни туғруқхонада дунёга келган 13 чақалоққа М. Дадабоева, Х. Солиева, К. Аҳмедова, С. Гатулина доялик қилдилар. 2-туғруқхонада М. Каримова, Н. Шукуллева, 3-туғруқхонада эса В. Ҳасанова, Р. Холбекова, Ф. Ҳамидова, А. Эминовалар навбатчилик қилдилар.

Шундай қилиб Андижон шаҳар аҳолиси 332 минг 36 кишига етди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

● НАМАНГАН

НАФАҚАХЎРЛАРГА БЕПУЛ БУҒДОЙ

● КОСОНСОЙ районидаги «Коммуна» жамоа хўжалигида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан яна бир хайрли ишга қўл урилди.

Аҳолига сотилганидан ташқари хўжалик аъзоларига ҳамда 65 нафақахўрга 165 килограммдан бепул буғдой тарқатишга қарор қилишди.

— Йил бошидан қилган меҳнатларимиз зое кетмади, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ф. Муродов, — Буғдойдан мўл ҳосил етишдирдик. Албатта, одам ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлиши лозим.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

● МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ ●

Муҳтарам муштарий, ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 18 август сонида таниқли олимларимизнинг «МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ФИДОЙИЛАРИ» сарлавҳали мақоласини эълон қилган эдик. Миллий тарихимизга, унинг унутилмас воқеа-ҳодисаларига янгича, холисона муносабат билдириш, баҳо бериш мақсадида босилган ушбу мақола хусусида фикр билдирилган мактубларни ола бошладик. Айни вақтда одамлар оғзаки, телефон орқали ўз мулоҳазаларини билдиришяпти. Ўтмишимизга, тарихимизга шундай ёндашиш вақти етди, деган фикр уларни бирлаштиради.

Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақола муаллифи Ҳамдам Содиқов ғоятда изланувчан, миллий тарихимизни пухта биладиган ижодкор олим. Унинг фидокорона саъи-ҳаракатлари билан миллий тарихимизнинг жуда кўп саҳифаларига аниқлик киритилган. Олимнинг навбатдаги янги мақоласида ҳам шундай изланишлар бор. Лекин булар олимнинг шахсий мулоҳазаларидир. Истасангиз сиз ҳам мақоладаги факт-воқеалар хусусида ўзингизнинг мустақил фикрингизни билдиришингиз, муаллиф билан мунозарага киришишингиз мумкин.

Ҳурматли олимларимизнинг Туркистон мухторияти ҳақидаги фикрларини ўқиб, ушбу масаладаги ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Газета жуда хайрли иш бошлаб, ўлкамиз тарихининг мураккаб ва муаммоли воқеаларини кенг омма тўғри англаши учун шундай чиқишларни кўпроқ уюштириши мақсадга мувофиқдир. Чунки, тарихимиз узоқ йиллар давомида бир ёқлама, мафкуравий қобиқда нохолис ёритиб келинди.

ИСТИБДОД ЗУЛМАТИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

1906—1907 йиллар мобайнида Туркистонда бўлган француз махфий хизмати ходими майор Лякост ўлкада энг нуфузли куч— бу социал-демократ, эсер каби рус инқилобий фирқалари эмас, балки «Ёш сартлар фирқаси» эканлигини ёзган эди. Майор Лякост «Ёш сартлар»нинг ўз миллий дастурлари борлиги ва худди шулар ҳокимиятга қарши тура оладиган қудратли заминга эгалигини уқтириб ўтган. Ҳар қандай воқелик ва вазиятга баҳо беришда разведкачидан ўтадиган тадқиқотчи йўқлигини яхши биладиган рус сиёсий разведкаси Парижда нашр этилган француз офицери ҳисоботида қайд этилган «энг нуфузли куч» — «Ёш сартлар» кимлиги ва улар мақсадини яхши англаш учун Тошкентга ўзининг тажрибали ходимларини йўллади.

Алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Николай Васильев ва полиция маслаҳатчиси Леонид Квицинский раҳбар бўлишган икки гуруҳ сиёсий изқуварларга махсус вазифа юклатилди. Васильев Туркистон ўлкасидаги сиёсий ишларни бошқарувчи махсус бўлим, Квицинский эса ўлкада ташкил этилган махфий полиция — Туркистон район муҳофаза бўлимига бошлиқ қилиб тайинланишди. Бу икки идора — генерал-губернатор маҳкамаси махсус бўлими ва ТРМБ «Ёш сартлар» номи остида жадидлар иш кўришини аниқлаб, улар фаолиятига доир кўп маълумотлар тўплашдики, улар Туркистон тарихини холис ёритишда бебаҳо манбалардир. Уларни ўрганиш Туркистон мухторияти тарихи ва моҳиятини англашда тадқиқотчи учун кенг фаолият майдони очади.

Худди шу жадидлар ўртасида ўлка истиқлоли ғояси туғилиб вояга етди ва уларнинг етакчилари —Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев кабилар рус мустамлака истибдоди зулматида порлаган юлдузлар эдики, улар билан сиёсий идора жиддий шуғулланди. Худди шу жадидлар етакчилари Сергей Ососков 1908 йил августида қатл этилди. Большевик, меньшевик оқимига мансуб социал-демократ етакчилари қамалиб, улар фаолиятига чек қўйилди. Маҳаллий аҳоли ўртасида чуқур замини бўлмаган рус инқилобчилари 1908 йилдан 1913 йилгача яширин иш кўришга ўтишди. Сиёсий полиция асосий диққатини жадидларга қаратди. Янги усулдаги мактаблар, жадидлар нашрларини ёпиш авжига чиқди. Тошкент эски шаҳри полицмейстери подполковник Н. Караулшчиков «Ёрли аҳоли ўртасида озодлик ҳаракати» деб номланган маърузаномасида жадидлар газеталарининг «зарарли таъсирини» йўқотиш бўйича чораларни ишлаб чиқди. Вилоятларда ташкил топган сиёсий қидирув идоралари аҳоли кайфиятини ўрганиш бўйича кенг кўламли дастур ишлаб чиқди. Бу дастурдаги асосий ғоялар ўсиб келаётган Туркистон мухторияти ҳуқуматига раҳбар бўлишгани ҳам бежиз эмас.

Подполковник Васильев ва полиция маслаҳатчиси Квицинский кенг агентура тармоғини тез орада вужудга келтириб, рус инқилобий фирқаларини — социал-демократлар ва социал-инқилобчилар гуруҳларини тугатишди. Эсерлар етакчиси ёш авлодини истиқлол учун курашдан чалғитиш, уларни рус руҳи, рус турмуш тарзига ўргатиш эди.

Махсус бўлим ва ТРМБ жадидларнинг ташкилотлари бўйича махсус ишлар очди. Улар ўртасига синалган айғоқчи-иғвогарларни йўлладди. Мусулмон ёшларининг Тошкентдаги «Умид» гуруҳи раҳбари Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Қўқондаги «Ғайрат» жамияти, Андижондаги «Тараққийпарварлар фирқаси» каби жадидлар уюшмалари раҳбарлари қузатувга олинди. Васильев ва Квицинскийнинг ўлкада олиб борган фаолияти майор Лякост хулосасини тасдиқлади. Сиёсий разведкачилар яна бир муҳим хулосага келишди. Рус инқилобчилари фаолияти охир-оқибатда улар истак-хоҳишидан қатъий назар, Туркистон халқларини фақат подшо ҳокимиятига эмас, балки, ёппасига русларга қарши қаратади. Мустамлака тузумини сақлаб қолиш учун Туркистон ёшларини қўлга олиш ва айниқса, уларни жадидлар таъсиридан сақлаш лозим.

Сиёсий разведка хулосаси Санкт-Петербургга —империя Ички ишлар вазирлиги, полиция департаменти махсус бўлимига жўнатилди. Бу хулосалар асосида рус мустамлакачилари: «ерли аҳолида норозилик ва ғалаёнга мойиллик ҳоллари кўринган заҳоти таг-туги билан қўпорилсин. Ҳар қандай миллий ҳаракат бошидаёқ бўғиб ташлансин. Аҳолига қудратимизни намойиш қилиш ва сабоқ учун шафқатсиз чоралар кўрилсин» деган фикрга келишди. Уни 1908 йил ёзида Туркистонга ташриф буюрган Алоҳида Жандармлар корпуси қўмондони генерал-майор барон Таубе очиқ изҳор қилиб, рини улар сиёсат ва дин заминидаги ҳаракатлари билан оширишни режалаштиришган». Фирқа раҳбари Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ҳақида полиция алоҳида тўхталган: «Убайдуллахўжа шахси баъзилар ўйлагандек бенуқсон эмас. У Тошкентда туғилган. Рустузем мактабини битириб, келиштирувчи судья қўлида тилмочлик қилган. Судья Саратов шаҳрига ишга жўнатилганда ўзи билан Хўжаевни ҳам олиб кетади. 1913 йил бошида Хўжаев Тошкентга қайтиб, Тошкент округ суди ишончли вакили Иван Чарковский билан бирга истиқомат қилади... Хўжаев олиб борган адвокатлик ишлари зўр муваффақият қозонгач, унинг обрўси аҳоли ўртасида кўтарилиб кетди».

Андижон туманбошиси полковник Бржезицкий эса, шундай ахборот йўллаган: «Агентурамнинг хабар беришича, Хўжаев маҳаллий ва Тошкент ёшларининг яловбардоридир». Бу таъриф нақадар тўғри эканлигини кейинги воқеалар тасдиқлади. Убайдуллахўжа Туркистон ва Қозоғистон ўлкалари умумислом II қурултойида — 1917 йил сентябрида Туркистон мухторияти дастурини ишлаб чиққан муаллифлардан бири бўлди. Худди шу қурултойда — 1917 йил 23 сентябрда биринчи марта Туркистон мухторияти эълон қилинган ва унинг дастури «Туркестанский курьер» рўзномасининг 1917 йил 11 ноябрь 6 сонида босилган эди. Шу ўринда савол туғилади: нега Туркистон мухторияти Туркистон ўлкаси, Қозоғистон, Урал, Тўрғай вилоятларининг 515 вакилидан иборат II умумислом қурултойида қабул қилинган бўлса ҳам тезда амалга ошмай, 1917 йил декабридагина Қўқонда ўтган фавқулодда IV қурултойда амалга оширилди? Бунга асосий сабаб Туркистондаги инқилоб ва истиқлол курашидаги сиёсий курашлар нисбати ва турли сабаблар бўлдики, улар илдизини топиш кенг таҳлилга муҳтождир.

Туркистон муҳторлигининг туғилиш ғояси, дастури ва унинг ҳалокати теран тадқиқотни тақозо этади. Истиқлол учун жонини фидо этган жадидлар ҳаракати йўлбошчилари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Собиржон Юсупов, Абдурауф Фитрат, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби фидокор зиёли, ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатларни ўрганиш эса бунинг калитидир. Бу соҳада эса, рус сиёсий разведка ва контрразведкаси: Туркистон округ штаби контрразведка бўлими, махфий сиёсий полиция—ТРМБ ва генерал-губернатор маҳкамаси Махсус бўлими катта материалга эгадир. Биз улардан фақат айрим саҳифаларни варақладик, холос.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Абдулла Авлоний мукофоти соҳиби, доцент.

• «Мустақиллик–менинг ифтихорим» фототанловига

Мазза қилдинг-а, ширин эканми... Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат-лавҳа.

• Бир жиноят изидан •

АВТОБУС ҚАРОҚЧИГА ДУЧ КЕЛДИ

Биз «Катта йўлдаги қароқчилар» иборасини илгаридан кўчма маънода ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ надоматлар бўлсинким, ҳаётнинг кўрсатишича ҳозирда у ўзининг тўғри маъносини касб этмоқда.

Газетамиз Тошкентдан Андижонга йўл олган шаҳарлараро қатнайдиган «Икарус» автобусига қилинган қароқчиларча ҳужум ҳақида илгари хабар қилган эди. Энди эса ушбу воқеанинг барча тафсилотларини маълум қиламиз.

...Ярим тунда Миробод район ички ишлар бошқармаси биноси ёнига «Икарус» автобуси келиб тўхтади. Ундан тушган 15 нафар йўловчи навбатчилар хонасига кириб, тўртта нотаниш йигит томонидан тажовузга учраганликларини айтишди. Бу жиноят ҳақида зудлик билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ва Республика Ички ишлар вазирлигига хабар берилди.

Шу ўринда бирин-кетин барчани қизиқтирган саволлар туғилади: хўш, аслида «Икарус» автобусида қандай воқеа рўй берган эди? Жиноятчилар ушландими? Албатта, бу воқеанинг барча тафсилотлари тергов давомида аниқланади. Биз эса ҳозирча жиноятнинг қай тариқа юз берганини тиклашимиз мумкин.

9 сентябрь оқшом пайтида Тошкент —Андижон йўналишида қатновчи автобус пойтахтдан чиқиб Тошкент ҳалқа йўлида энди тезликни ошираётган пайт. Қўйлиқ даҳаси атрофида ҳайдовчининг кўзи автобусни қувиб ўтиб, уни йўлнинг четига қисиб қўйиш ҳаракатини қилаётган давлат белгилари бўлмаган таксига тушди.

Албатта, катта йўлда шунга ўхшаш воқеалар юз бериб туради. Ва бунга унчалик аҳамият бермаган «Икарус» ҳайдовчиси газни босишда давом этди. Бироқ «толмас» таксичи энди сурбетларча автобусни йўл четига қиса бошлади. «Бир гап бор. Ҳойнаҳой, бирор ҳодиса юз берган бўлса керак. Балки ёрдам керакдир», — деган ўй билан ҳайдовчи автобусни тўхтатди. Эшик очилиши биланоқ дарҳол унинг юзига қаттиқ зарба тушди. Бу албатта, ҳар қандай кишининг ҳам нафсониятига тегади, бироқ шу онда ҳужум қилган нотаниш кимса ва унинг учта шеригининг қўлида пичоқ тиғлари ялтиради. Ва ҳайдовчининг қароқчиларнинг сўзига кириб машина моторини ўчиришдан бошқа иложи қолмади. Маълум бўлдики — тажовузкорлар кўпни кўрган жиноятчилар эди.

Автобус салонига кирган қароқчилар йўловчилардан жойларидан жилмасдан пуллари, қимматбаҳо буюмлари ва юкларини беришни «илтимос» қилдилар. Умуман олганда, кимлардир жиноятчиларга қаршилик кўрсатишлари ҳам мумкин эди, бироқ барчага маълумки, бундай сафарларда кишилар бир-бирларини деярли танимайдилар, бинобарин биров қўллашига ишонмасанг «пичоққа қарши бориш»ни ким ҳам хоҳларди.

«Тинтув» ишлари ҳайдовчилардан бошланди. «Икарус» ҳайдовчисининг дам олаётган шеригидан кассадаги бор пул ва ҳужжатлар тортиб олинди. Машина бошқараётган ҳайдовчининг ёнидан эса 25 минг сўм «мусодара» этилди. Автобуснинг микрофони синдирилди.

Одамларнинг бу тариқа таҳқирланишаётганларига Андижонга тўйга кетаётган олдинги ўриндиқдаги мўйсафид чидай олмади. У қароқчиларни уялтиришга урониб кўрди, бироқ қўпол сўкиш эшитди. Қариянинг барча буюмларини олиб қўйишгач, одам зоти чидай олмайдиган ваҳшийлик юз берди. Улар мўйсафиднинг оғзидаги тилла тишларини ҳам қоқиб олдилар. Бундан сўнг ҳеч ким уларга қаршилик кўрсата олмади.

«Иш»ларини бажариб бўлгач, талончилар йўловчилар ичидан ўзларига ёқиб қолган қизни ҳам олиб таксиларида жуфтакни ростадилар.

...Талончилик ҳужуми ҳақидаги хабардан сўнг Ички ишлар бошқармаси ва Давлат автомобиль назоратининг бутун тезкор гуруҳи оёққа турди. Ҳодиса юз берган жойга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов ва Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори К. Ғофуровлар етиб келдилар ва жиноятчиларни қидириш бўйича барча ишларни бошқара бошладилар. Биринчи навбатда йўқолган аёлни излаш, жиноятчилар ҳақидаги барча тафсилотларни тўплаб, улар беркинган жойни аниқлаш лозим эди.

10 сентябрь тушга яқин ўғирлаб кетилган аёл ҳайтовур тирик ҳолда топилди. Жиноятчилар такси машинасида қочганлари учун шаҳарнинг барча такси саройлари қаттиқ текширилди. Жиноятчиларнинг мўмай даромаддан сўнг «мароқли» дам олишлари мумкинлигини ҳисобга олиб яқин атрофдаги ҳамма чойхоналар ва дўконларни милиция ходимлари кўздан кечиришди. Жиноят ўта қабиҳона бўлгани учун ўз вақтида шунга ўхшаш жиноят содир этган барча илгари судланганлар текшириб чиқилди.

Милиция ходимлари томонидан амалга оширилган кенг ва мураккаб ишлар натижасиз қолмади. 11 сентябрь эрта тонгда шубҳа остига олинган тўртовлон қўлга олинди. Тинтув пайтида уларнинг ёнидан валюта, пуллар, ўғирланган қимматбаҳо буюмлар, жумладан мўйсафиднинг тилла тишлари ва бошқа нарсалар чиқди. Умумий дастлабки тахминларга кўра талончилик билан қўлга киритилган молларнинг баҳоси 500 минг сўмдан ошиқ экан.

Ҳозир тергов ишлари кетаётгани учун биз қўлга олинганларнинг исми-шарифларини айта олмаймиз. Фақатгина шуни таъкидлашимиз мумкинки, уларнинг ҳаммаси тошкентлик ва ёшлари 20—23 да. Ушланганларнинг иккитаси илгари судланган: биттаси ҳамон шаҳардаги махсус комендатуралардан бирида шартли жазо муддатини ўтамоқда. Жиноятчиларнинг яна бири эса Тошкентдаги такси саройларидан бирининг хизматчиси экан. Рад этиб бўлмайдиган далиллар ва жабрланганларнинг кўрсатмасидан сўнг жиноятчиларнинг барчаси ўз айбларига иқрор бўлдилар. Кўринишидан юқоридаги жиноят уларнинг биринчи ишлари эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳатто 20—25 йилдан бери милиция соҳасида ишлаётган ходимлар ҳам йўловчилар автобусига қилинган бундай даҳшатли ҳужумни эслай олмайдилар. Ҳозир йўловчилардан тортиб олинган пуллар ва қимматбаҳо буюмлар ички ишлар идораларига мурожаат қилган ўз эгаларига топширилди. Талончилик қилинган «Икарус»нинг бошқа жабрланган йўловчилари агар милицияга хабар қилмаган бўлсалар, уларнинг Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси тергов бўлимига мурожаат қилишлари ёки: 56-74-82, 56-98-07, 56-99-54 телефонларига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Радик СОЛИЕВ,
милиция лейтенанти, Тошкент шаҳар ИИБ матбуот гуруҳининг инспектори.

(«Тошкент оқшоми»дан).

ТИББИЁТ ОЛИМЛАРИНИНГ ГУРУНГИ

Она ва боланинг соғлиғини сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон теваракдаги экология масалалари тиббиёт фанини ривожлантиришдаги устун муаммолар бўлиши лозим. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тиббиёт олимларининг Тошкентда тугаган биринчи гурунги қатнашчилари шундай хулосага келдилар.

Анжуманда Ўрта Осиё ва Қозоғистон тиббиёт олимларининг баённомаси қабул этилди. Унда мантиқада энг кўп тарқалган касалликларни камайтириш, одамлар соғлиғини сақлаш учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган илмий йўналишларни ишлаб чиқиш масалаларида куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этилади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН—ХАЛҚАРО ГЕОЛОГИЯ ИТТИФОҚИГА АЪЗО БЎЛДИ

Япониянинг Киото шаҳрида ўтказилган 29-халқаро геология конгрессининг 9-сессиясида республикамиз жаҳоннинг ана шу нуфузли иттифоқига аъзо бўлди.

— Дунёнинг 95 мамлакати кирган мазкур иттифоққа Ўзбекистоннинг Ҳамдўстликдаги республикалар орасида биринчилар қатори аъзо бўлгани бежиз эмас, — дейди конгресс иштирокчиси, республика геология ва минерал ресурслар давлат комитетининг раиси Тўлқин Шоёқубов. — Шуни айтиш керакки, республикамиз геологияси олтмишинчи йилларнинг бошидаёқ академик Ҳабиб Абдуллаев ташаббуси билан дунё миқёсига чиқа бошлаган эди. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин жаҳон олимларининг ўлкамиз табиатига, унинг бой геологик имкониятларини илмий жиҳатдан ўрганишга қизиқиши орта бошлади. Анжуманда табиий муаммолар, хусусан, Орол денгизи ва шу минтақадаги экологик аҳвол, қазилма бойликларидан тўғри фойдаланиш масалалари ҳақида фикр алмашдик.

Эндиликда геология фанимиз олдида янги уфқлар очилмоқда. Масалан, мутахассисларимиз халқаро дастурларга киритилган ер ости ва усти бойликларини биргаликда ўрганиш, замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, моддий таъминот ва малакали ходимларни тайёрлаш масалаларида жаҳон олимлари билан ҳамкорлик қиладилар. Яна бир муҳим томони шуки, халқаро иттифоққа аъзо мамлакатлар жаҳон геология ахборотларига эга бўладилар, уларга минерал хом ашёларни топиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи бошқа халқаро жамиятларга аъзо бўлишда енгиллик берилади.

(ЎзА).

• СПОРТ •

ФИШЕР — СПАССКИЙ — 4:2

● ШАХМАТ даҳоси Роберт Фишер тўққизинчи учрашувда оқ доналар билан ўйнади. Ўйиннинг 21-юришига борганда Спасский мағлубиятни тан олди. Фишер эса мавқеини янада мустаҳкамлади.

МУТЛАҚ ҒОЛИБНИНГ СОВРИНИ

● **НАМАНГАН районида курашнинг фарғонача усули бўйича Қоратойполвон Юсупов хотирасига бағишланган беллашув бўлди.**

Мусобақада Татаристон, Бошқирдистон республикаларидан келган курашчилар ҳам иштирок этишди. Икки кун давом этган беллашувларда Наманган райони полвонлари биринчиликни қўлга киритишди. Тўрақўрғон ва Бошқирдистон курашчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Поплик Эшонбой Абдуллаев мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди. Унга район ҳокимининг алоҳида совғини топширилди.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИГА ЙЎЛЛАНМА

● **ТОШКЕНТДА устоз Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган ва айни пайтда жаҳон биринчилигининг саралаш мусобақаси босқичларидан ҳисобланган шахмат баҳслари якунланди.**

Икки ҳафта давом этган дона суриш баҳсларида мустақил Ўзбекистоннинг етук шахматчилари, гроссмейстерлари ўзаро куч синашдилар. Мусобақада 8,5 очко тўплаган Александр Ненашев биринчи ўринни эгаллаб, 10 минг сўмлик пул ютуғини қўлга киритди. Григорий Серпер билан Тоҳир Воҳидовлар иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашиб, ҳар иккиси 7,5 минг сўмлик ютуқларни олишди. Ғолиблар жаҳон биринчилиги учун мусобақанинг навбатдаги босқичига йўлланма олдилар.

ЖАМИЯТ ПЛЕНУМИ

Ўзбек халқи бой тарихий ва маданий мероси билан дунёга машҳур. Тоталитаризм тузуми даврида ўтмиш ёдгорликларининг бир қисми нобуд қилинди. Бобокалонларимиз қалб қўри билан бунёд бўлган обидалар, осори-атиқаларнинг сақланиб қолганларини кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказиб бериш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

15 сентябрь куни бўлган Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти бошқарувининг 5-пленумида шу ҳақда гапирилди. Шунингдек, пленумда жамиятнинг навбатдаги қурултойига тайёргарлик кўриш, мустақиллик шароитида жамият номи ва низомини ўзгартириш хусусида жамият бошқарувининг раиси Н. Муҳиддинов маъруза қилди.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 16 сентябрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади:

1 Австралия доллари	148 сўм 70 тийин
1 Австрия шиллинги	19 сўм 71 тийин
1 Англия фунт стерлинги	389 сўм 13 тийин
10 Бельгия франки	66 сўм 69 тийин
1 немис маркаси	138 сўм 35 тийин
1 голланд гульденги	122 сўм 89 тийин
1 Дания крони	35 сўм92 тийин
100 Италия лираси	17 сўм 47 тийин
1 Канада доллари	168 сўм 11 тийин
1 Норвегия крони	35 сўм 02 тийин
1 АҚШ доллари	204 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	44 сўм 67 тийин
1 француз франки	40 сўм 85 тийин
1 швед крони	37 сўм 78 тийин
1 Швейцария франки	156 сўм 08 тийин
10 Япония иени	16 сўм 48 тийин
1 ЭКЮ	279 сўм 17 тийин
10 испан песети	21 сўм 23 тийин
1 Ирландия фунти	365 сўм 16 тийин
10 Греция драхми	11 сўм 14 тийин
1 Исландия крони	3 сўм 72 тийин
1 Қувайт динори	694 сўм 59 тийин
10 Ливан фунти	0 сўм 81 тийин
10 Португалия эскудоси	15 сўм 79 тийин
1 Сингапур доллари	127 сўм 66 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 28 тийин

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИКЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ ЧИҚИШ ШАРОФ РАШИДОВ—ЧЎЛҚУВАРЛАР ҚАЛБИДА.

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА ҲАВИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ТЕЛЕВИЗОРЛАР ВУҲОРОДА ИИҒИЛАДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ТАТАРИСТОНДАН САЛОМ

Азиз бирадарлар!

Сизларга мустақил ТАТАРИСТОННинг Набережний Челни шаҳридаги татар аҳолиси мурожаат этмоқда. Биз туркий халқлар неча-неча асрлардан буён худди бир оиладек, бир-биримизга ёрдам бериб, аҳил яшаб келяпмиз. Ўзбек, қозоқ, озарбайжон, туркман, қирғизлар каби татарлар ҳам ўз мустақил давлатида яшашни истайдилар. Агар бизлар бирлашсак, озод ва бахтнёр яшаймиз.

Қардош бирадарлар! Келинглар санъат ва маданият соҳасидаги алоқаларни тиклайлик. Сизларнинг артистларингиз бизга келишсин, бизникиси сизларга боришсин. Бизнинг байрам ва анъаналаримиз бир хил. Келинглар, биргаликда байрам қилайлик.

Тижорат соҳасидаги муносабатларни ривожлантириш вақти келди. Татаристонлик даромадгирлар Сизларни ҳамкорликка таклиф этади. Яхши товар Сизга ҳам, Бизга ҳам керак. Унинг маблағи миллатларимиз тараққиётига хизмат қилсин.

«КЫЙБЛА» МИЛЛИЙ ЕШЛАР МАРКАЗИ.
НАБЕРЕЖНИЙ ЧЕЛНИ.

ТЕМИР-ТЕРСАКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1992 йил 1 сентябрдан бошлаб темир-терсакларнинг шартнома нархлари оширилди. Айни пайтда навидан қатъий назар бир тоннасининг баҳоси минг сўмдан — уч минг олти юз сўмгача миқдорни ташкил этяпти.

Транзит йўналишидаги автомобиль транспортлари темир-терсакларни Ўзбекистон металлургия заводига етказиб берса, завод ҳар бир тонна металломга қуйидагича нархларда транзит хизмати ҳақларини тўлайди:

25 километргача бўлган масофадан ташигани учун 100 сўм / тонна.

25—50 километр учун 150 сўм / тонна.

50—100 километр учун 200 сўм / тонна.

100—250 километр учун 250 сўм / тонна.

250 километрдан юқориси учун 300 сўм / тонна.

Маълумотлар учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 58-57-09, 58-62-78.

Ўзбекистон металлургия саноати давлат концерни

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент педиатрия медицина институти ректорати ишлаб чиқариш практикаси бошлиғи

Шамил Бегимқулович БЕГИМҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади.

«Узкоптайёрловсавдо» Бошқаруви ҳайъати Капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи С. Абдуқодировга отаси

Абдуқодир ХУСАИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар илмий текшириш институти ва унинг клиникаси жамоаси шифокор Ю. О. Ўразалиевга рафиқаси

Гулнора Ибрагимовна УСМАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент педиатрия медицина институти ректорати, биофизика ва компьютер техникаси кафедраси жамоаси кафедра ассистенти

Гулнора Ибрагимовна УСМАНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.00.
Г—340 № 184. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.